

IX. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2020 йил январь-март ойларида хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 3621,5 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1261,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 34,8 % ташкил қилди. 2019 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 108,5 % ташкил этди.

Хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши


	млрд. сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида	яқунга нисбатан % ҳисобида
Жами хизматлар	3 621,5	108,5	100,0
<i>шу жумладан: хизмат турлари бўйича</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	102,4	123,4	2,8
молиявий хизматлар	551,7	139,1	15,2
транспорт хизмати	855,7	101,5	23,6
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	823,4	102,4	22,7
яшаш ва овқатланиш хизматлари	143,9	98,2	4,0
савдо хизматлари	1 104,5	102,5	30,5
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	121,7	100,1	3,4

	млрд. сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида	яқунга нисбатан % ҳисобида
таълим соҳасидаги хизматлар	133,3	128,2	3,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	61,9	104,0	1,7
ижара ва прокат хизматлари	118,9	109,1	3,3
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	77,8	103,9	2,1
бошқа шахсий хизматлар	106,5	107,4	2,9
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	121,6	113,4	3,4
бошқа турдаги хизматлар	121,6	101,2	3,4

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 30,5 %) ва транспорт хизмати (23,6 %) хизматларига тўғри келади.

Шунингдек, молиявий хизматлар (139,1 %), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (113,4 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (123,4 %) ва таълим соҳасидаги хизматларда (128,2 %) ўсиш суръати юқори бўлди.

2020 йил январь-март ойларида хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолияти турлари улуши, %




Худудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Нурафшон шаҳрига (125,2 %), аксинча энг паст ўсиш суръати Ўртачирчиқ 100,3 % ва Чиноз туманларида 101,0 % кузатилди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Нурафшон шаҳри (16180,5 минг сўм), Янгийўл шаҳри (2308,0 минг сўм) ва Олмалиқ (1664,3 минг сўм) шаҳарларида қайд этилди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг Нурафшон шаҳрига (21,8 %), Қибрай (8,1 %) ва Зангиота (7,3 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

2020 йил январь-март ойларида савдо хизматлари таркиби, %




Савдо хизматлари таркибига автомобиллар ва мотоциклардан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга бўлиб, унинг улуши 71,3 % ни ташкил этади.

Улгуржи савдо хизматларининг (автомобиллар ва мотоциклар савдосидан ташқари) улуши 17,0 % ни ташкил этди.


Автомобил ва мотоциклар улгуржи ва чакана савдоси, автомобиль ва мотоцикларни таъмирлаш хизматларини қўшган ҳолда умумий савдо хизматларининг 11,7 % ни ташкил қилади.

**Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш
ҳажмларининг ўсиш суръати, %
(2019 йил январь-мартга нисбатан)**



Алоҳида хизмат турлари ҳажмининг таққосланиши,

1 апрель ҳолатига, млрд.сўм



Хизматлар ҳажмининг нисбатан сезиларли бўлмаган ҳолда ошиши соғлиқни савдо соҳасидаги хизматлар бўйича кузатилди. Уларнинг ҳажми 2019 йил январь-март ойларига нисбатан 1104,5 млрд.сўмга ошди.

**2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кўрсатилган
хизматлар ҳажми**

	<i>Жами</i>			<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>Млрд.сўм</i>	<i>2019 йил январь-мартга нисбатан % да</i>	<i>Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, % да</i>	<i>минг сўм</i>	<i>2019 йил январь-мартга нисбатан % да</i>
Вилоят бўйича	3 621,5	100,0	108,5	1 229,0	106,9
<i>шаҳарлар:</i>					
Нурафшон	789,6	21,8	125,2	16 180,5	123,7
Олмалиқ	218,5	6,0	103,5	1 664,3	101,9
Ангрен	159,6	4,4	101,7	845,5	100,3
Бекобод	139,7	3,9	103,0	1 455,2	101,3
Чирчиқ	251,4	6,9	111,7	1 596,9	110,7
Оҳангарон	63,3	1,7	103,8	1 665,8	101,0
Янгийўл	139,9	3,9	104,2	2 308,0	102,6
<i>туманлар:</i>					
Оқкўрғон	83,7	2,3	101,7	796,1	100,1
Оҳангарон	43,8	1,2	105,0	457,0	103,6
Бекобод	80,2	2,2	103,2	508,7	101,6
Бўстонлик	169,8	4,7	110,5	1 004,3	109,4
Бўка	84,0	2,3	104,2	668,2	102,6
Зангиота	265,7	7,3	104,2	1 343,8	102,8
Қибрай	292,3	8,1	103,9	1 456,6	102,5


	Жами			Аҳоли жон бошига	
	Млрд.сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан % да	Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, % да	минг сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан % да
Қуйичирчиқ	52,0	1,4	104,1	480,7	102,4
Паркент	122,7	3,4	107,3	791,4	105,4
Пискент	43,2	1,2	103,3	427,6	101,6
Тошкент	182,1	5,0	104,8	1 007,5	103,1
Ўртачирчиқ	110,8	3,1	100,3	740,3	98,5
Чиноз	88,2	2,4	101,0	659,1	99,4
Юқоричирчиқ	101,3	2,8	107,2	747,2	105,3
Янгийўл	139,9	3,9	101,9	665,5	100,4

Ҳудудлар ўртасида энг юқори ўсиш суръатлари Нурафшон (125,2%), Чирчиқ шаҳри (111,7%), Бўстонлик (110,5%), Паркент (107,3%) туманларига тўғри келади.


Энг паст ўсиш суръатлари эса Ўртачирчиқ (100,3%), Чиноз (101,0%) туманларига тўғри келади.

2020 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 1229,0 минг сўмга тенг бўлди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,9% ни ташкил этди.

**2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига
кўрсатилган хизматлар ўсиш суръати (% да)**




2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми (минг сўмда)



Жорий йилда вилоятда аҳоли жон бошига кўрсатилган энг юқори хизматлар улуши Нурафшон шаҳрида – 16180,5 минг сўми, ўсиш сурати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 123,7% ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган энг кичик хизматлар улуши Ўртачирчиқ 740,3 минг сўми, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (98,5%), Чиноз 659,1 минг сўми, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (99,4%), Оққўрғон 796,1 минг сўми, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (100,1%) ташкил этди.

Худудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши, %да



2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажмига нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши 68,7 % ташкил этди.

Худудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши таҳлил қилинганда энг юқори улуш Пискент 98,5 %, Оққўрғон 98,5 %, Янгийўл 97,8 % туманларига тўғри келиб, аксинча паст улуш Қибрай тумани 58,0 % ва Нурафшон шаҳар 5,6 % тўғри келди.